

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Й.Солижонов	
Ҳамза Ҳакимзода шеърятда лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни.....	85
Ғ.Усмонов., З.Жўраева., Н.Набиева	
Хорижлик адабиётшунос олимларнинг жадид адабий меросига муносабати хусусида.....	88
С.Мамаюсупова	
Шукур Холмирзаев ижодида мақол ва матал муносабатлари.....	91

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Ганиева	
Ўзбек тилидаги феъл фразеологизмларда бўлишли-бўлишсизлик категорияси.....	95
Ф.Абдурахмонов	
Замонавий рус тилида уч актанти феълларнинг структурали-семантик хусусиятлари.....	98
Д.Газиева	
Матнни функционал-услубий жиҳатдан ўрганиш.....	103
Н.Аббосова	
Инглиз мақол ва маталларини ўргатишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг самарали услублари.....	107
М.Ҳакимова	
Абстракт сўзларнинг синонимия муносабатлари.....	111
Ҳ.Солихўжаева	
Ўзбек тилидаги фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар хусусида.....	116
Ш.Матназаров	
Ўзбек тилидаги қишлоқ хўжалиги лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши.....	119
Н.Умарова, Н.Абдувалиева	
Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони назмий ва насрий вариантларидаги айрим тафовутлар.....	122
Ф.Қосимова	
«Тиб қонунлари» (Абу Али Ибн Сино) асарида келтирилган касаллик номлари ва уларнинг ўзбек, инглиз тилларидаги ўзига хос лингвокультурологик жиҳатлари.....	126

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Мамасолиев, Р.Солиев	
Олий таълимда чет тили фанларини ўқитишнинг замонавий асослари.....	130
Ш.Алимов, М.Нурматова	
Чет тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш.....	133
Д.Ҳайдарова	
Чет тили дарсларида синфни бошқариш стратегиялари.....	136
З.Бобоева, И.Пўлатов	
Педагогик мулоқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва функциялари.....	140

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Р.Максудов, А.Джураев, Ш.Холдоров, Н.Пўлатов	
Толали материалларни тозалаш агрегати колесникли панжарасининг ишлаб чиқаришдаги синов натижалари ва самарали конструкцияси.....	143
А.Юсупова, З.Муқимова, Х.Иброҳимова	
Математика дарсларида стохастик компетенцияни шакллантириш.....	147
Р.Маджидова	
Оилавий қадриятларни изоҳловчи мақолларнинг аксиологик аҳамияти.....	149
М.Мадаминова	
Абу Райҳон Беруний – адабиётшунос.....	152
М.Юсупова	
Навоий образининг янгича талқини.....	155
Х.Рахматиллаев, С.Сохибов	
Ўзбек халқи анъанавий дунёқараши тизимида турли ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурлар.....	158

УДК: 41+413.141+415.6

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЛЕКСИКАСИНING ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ЛЕКСИКИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL VOCABULARY IN THE UZBEK LANGUAGE

Ш.Матназаров

Аннотация

Мақолада Хоразм шеvasидаги айрим маданий ўсимликларнинг лисоний хусусиятлари юзасидан фикр юритилиб, улар атрофлича таҳлил қилинди. Ўзбек тилининг Хоразм шеvasига оид қишлоқ хўжалиги лексикасида вариативлик ҳақидаги қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

Аннотация

В статье всесторонне проанализированы лингвистические особенности некоторых культурных растений на хорезмском диалекте. Отражены ценные сведения о вариативности сельскохозяйственной лексики на хорезмском диалекте узбекского языка.

Annotation

This article discussed the linguistic features of some cultures in the Khorezmian dialect and analyzed them in detail. This article contains valuable information about the Uzbek farmers' agricultural lexicon and its development, features of farming lexion, variability in the agricultural vocabulary of the Uzbek language and some other languages of the Uzbek language of Khorezm has found its reflection.

Таянч сўз ва иборалар: синоним, диалект, қишлоқ хўжалиги лексикаси, Ўрхун-Энасой обидалари, параллелизм, синтактик вариант.

Ключевые слова и выражения: синоним, диалект, сельскохозяйственная лексика, Орхан-Енисейские памятники, параллелизм, синтаксический вариант.

Keywords and expressions: synonymy, dialect, agriculture lexion, Orkhon-Enisey monuments, parallelism, syntactic variants.

Маълумки, ҳозирги замон ўзбек адабий тили ва унинг хилма-хил шеваларининг лексикаси ўта мураккаб характерга эга бўлиб, ўзида жуда қадимий даврдаги тил хусусиятларини акс эттириш билан бирга, ҳозирги замоннинг барча лисоний ўзига хосликларини, жумладан, қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият ва санъат, таълим ҳамда бошқа соҳаларнинг хусусиятларини ўзида намоён этади.

Параллелизм ва параллелизм тилнинг барча сатҳлари учун хосдир. Масалан, лексикологияда луғавий (лексик) параллеллар ҳақида фикр юритилади. Чунончи, ўзбек ва мўғул лексикасига хос параллеллар ҳақида профессор Э.Бегматов қуйидагиларни ёзади: "...ўзбек тили лексикасида шундай сўзлар ҳам борки, улар икки тилда ишлатилади. Масалан, *сийрег* (*сийрак*), *тайлаг* (*тайлоқ*), *танг* (*танглай*), *томуу* (*тумов*), *элчин* (*элчи*), *эрт* (*ерта*), *хох* (*кўк*), *хунжут* (*кунжут*) сўзлари ўзбек тилида ҳам, мўғул тилида ҳам бор ва шу тилларда бир хил ёки яқин маъноларда қўлланилади. Агар мўғул тили туркий тил, қардош деб тушунилганида,

келтирилган сўзлар умумтуркий лексик қатламга мансуб бўлур эди. Лекин тилшуносликда ўзбек ва мўғул тиллари бошқа-бошқа системага мансуб тиллар деб қаралади. Бу сўзларни мўғул тилидан ўзбек тилига қабул қилинган ёки, аксинча, туркий тиллардан мўғул тилига ўтган, яъни қабул қилинган, деб бўлмайдди. Шу сабабли бундай сўзлар тилшуносликда "ўртоқ сўзлар", "турк-мўғул лексик параллеллари", деб қаралади [1, 55].

Бу мақолада биз туркий тиллар қишлоқ хўжалиги лексикасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларига таянган ҳолда уларнинг айримлари юзасидан атрофлича фикр юритамиз.

Қорақалпоғистонлик тилшунос З.Ибрагимова ўзининг "Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикаси" номли монографиясида ҳозирги туркий тиллардаги (қишлоқ хўжалиги лексикаси мисолида) лексик параллеллар хусусида шундай тўхталиб ўтади:

1) *кўгар/гўкар* - (қорақалпоқ тилида), *кўгер* - (қозоқ тилида), *гўкер/гўгер* -

Ш.Матназаров – Урганч давлат университети талабаси.

(туркман тилида), *кўкер* - (уйғур тилида);

2) *ёт/ вом* – (туркман, олтой, қирғиз ва қозоқ тилларида); *от* – (уйғур тилида); *аът* – (тува тилида);

3) *қамыш / камыш* - (қорақалпоқ ва қирғиз тилларида); *қамыс* – (қозоқ тилида); *гамыш* – (туркман тилида); *хамыс* – (хакас тилида); *қомуш* (уйғур тилида) [2, 19].

Туркий халқларга хос ўсимлик номлари билан боғлиқ бўлган лексик параллелларнинг айрим шакллари ва айтилишлари Хоразм шевасида учрайди. Масалан, *кўкармоқ* феълининг *кўкар / гўкар / гўгар* тарзида; ўсимликларнинг умумий номини ифодаладиган *ўт* сўзи эса Хоразмнинг ўғуз лаҳжасида бошқа туркий тилларга нисбатан яқинроқ талаффуз қилинса, унинг қипчоқ лаҳжасида айрим ҳудудларда туркман, олтой, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий тилларидаги каби *вом* тарзида қўлланилади. Шунингдек, *қамиш* сўзи ҳам қорақалпоқ ва қирғиз тилларидаги каби бир хил шаклда ишлатилади. Демак, туркий тиллар билан Хоразм шевасидаги қишлоқ хўжалиги лексикасида ҳам қайсидир маънода муштараклик ва айрим фарқлар ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, туркий тиллар қишлоқ хўжалиги лексикасини ташкил этувчи ер ва дала номларидаги лексик параллеллар хусусида ҳам юқоридаги муаллиф куйидаги фикрларни билдиради:

1) *джер / ер / жер* “ер” – (қорақалпоқ ва қозоқ тилларида); *ер* – (туркман тилида); *ер / ер, майдон, дала, аланг* – (уйғур тилида); *чер / чир* – (тува ва хакас тилларида);

2) *джайиқ* - “текислик” (қорақалпоқ тилида); *язы, текизлик* (туркман тилида); *жазы* (қирғиз тилида) [2, 19].

Юқорида келтирилган *ер / жер* “ер”, *майдон, дала, аланг* сўзлари Хоразм шевасининг ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларида ҳам турли ҳудудларда турлича қўлланилади ва шу билан бирга, ушбу сўзларга синоним сифатида Хоразм вилояти, Жанубий Қорақалпоғистон ва Туркманистон Республикаси Тошовуз вилоятининг айрим ҳудудларида “*отиз*” сўзи ҳам кўпроқ қўлланилади.

Шунингдек, ўзбек тили қишлоқ хўжалиги лексикасининг суғориш тизимига доир бўлган “кўл” гидроними кўпчилик туркий тиллар: туркман, олтой, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий тилларида бир хил қўлланилиб, лексик параллеллар

сирасига киради. Ўзбек тили ва унинг шеваларида эса мазкур сўз(гидроним) суғориш тизимига оид ҳисобланмайди, тўғри, айрим вазиятларда сувнинг танқислиги сабабли ундан ерларни суғориш учун фойдаланиш мумкин. Аммо ўзбек тили ва унинг шеваларида у зах ерларда йиғиладиган сув номида ифодаланмади. Шунинг эътирофи этиш жоизки, кўпчилик ҳолатларда (айниқса, бугунги кескин ва жадал суръатлар билан ривожланаётган кунда) кўл сўзи (гидроними) балиқчиликка оид термин ҳисобланиб, унда балиқ етиштирилади.

Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига доир юқорида келтирилган сўзлар термин сифатида қўлланилишидан ташқари, оддий, умумхалқ лексикаси таркибида ҳам кенг ишлатилади.

Ўзбек тили қишлоқ хўжалиги лексикасининг таркибий қисми бўлган деҳқончилик лексикасини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, туркий ва мўғул тиллари учун умумий (параллел) сўзлар қатлами аллақачон аниқланиб, тадқиқ этилган экан. Шундай бўлса-да, айрим масалаларга ойдинлик киритишни мақсад қилдик.

Туркий ва мўғул халқларининг урф-одатлари, анъаналари, яшаш шароитлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб боришнинг ўхшашлиги улар тилларида ҳам ўз аксини топиб келган. Бу, айтиқса, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида туркий ва мўғул параллеллари кўплаб учрашидан далолат беради. Жумладан, туркий ва мўғул халқлари тилида деҳқончилик ва полизчиликка оид айрим бошоқли, сабзавот ҳамда мевали ва мевасиз ўсимликлар номларининг ифодаланиши умумийдир.

Масалан, ўзбек тили ва унинг шеваларида *пиёз* сўзи деярли бир шаклда учрайди. Мазкур сўз бошқа туркий халқлар ҳамда мўғул тилида ҳам айнан шу шаклда қўлланилади. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари, яъни Манғит, Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманларида *пиёз*; қорақалпоқ тилида *пьяз*; қозоқ тилида *пьяз* ва бошқалар.

Шунингдек, бошоқли ўсимлик ҳисобланган *арпа* сўзи кўпчилик туркий тиллар учун умумий бўлиб, лексик параллелликни вужудга келтирган. Фикримизни асослаш мақсадида мисоллар

ТИЛШУНОСЛИК

келтирамиз: *арпа* – (бурят тилида); *арпа* – (қорақалпоқ ва қозоқ тилларида) *арпа* – (туркман тилида); *арфа* – (турк тилида); *арпай*, *арпей* – (урянхай тилида).

Доривор ўсимликнинг номини ташкил қилувчи *арпаган*, *арпабодиён* сўзлари ҳам *арпа* сўзидан ҳосил бўлган. Унинг Хоразм шевасида *похол* варианты мавжуд бўлиб, шундай шаклда бошқа туркий тилларда ҳам учрашини кузатишимиз мумкин. Масалан, *пақал* – қорақалпоқ тилида; *похол* – туркман тилида; *богол* – татар тилида; *бухал* – мўғул тилида ва ҳ.к.

Бундан ташқари, умумий халқ тилида ва қишлоқ хўжалиги лексикасида *тегирмон* термини ҳам мавжуд бўлиб, ушбу термин қатор туркий тилларда параллел қўлланилиши маълум. Масалан, *дигирмон* / *дейирмон* – қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида; *дегирмен* – туркман тилида; *дайирман* – турк тилида. *Тегирман* термини ўзбек тилининг Хоразм шевалари ўғуз лаҳжасида ҳам *дейирман* / *ди:рман* шаклларида учрашини кузатиш мумкин. Мазкур терминнинг этимологияси хусусида турколог В.В. Радлов қуйидаги фикрларни билдиради: “Қадимги туркий ёдгорликларда теграк, тегир-ак – юмалоқ, ҳалқа доира; тегитмила – айланмоқ, доира бўйлаб юрмоқ маъносини беради” [3, 103]. Бундан кўриниб турибдики, ушбу сўзнинг негизи ва унинг ҳосилалари айланиш маъносини ифодаламақда.

Хуллас, ўзбек адабий тилининг таркибий қисми бўлган Хоразм шевалари қишлоқ хўжалиги лексикаси мисолида туркий-мўғул сўзлари(параллеллари)нинг ўзаро ўхшашлигига доир бир қатор мисоллар келтириш мумкин: *чечек* // *печег* (туркий) – *сетсег* (мўғул) – *гул*, *чечак* (ўзбекча) – *печак/печег* (Хоразм шевасида);

буғдой/бувдой (туркий тилларда) – *буғдой/бувдой/будой* (Хоразм шевасида); *жовен/жугар/жўхори* (туркий) – *жугар/жуйан/жуган* (Хоразм шевасида); *чие/олча* (туркий) – *чие/чия* (Хоразм шевасида); *арча/арс/ачса* (туркий) – *арча* (Хоразм шевасида); *гудуғ/худаг* (туркий) – *қудуқ/қуди/қуйи* (Хоразм шевасида); *элег/еллег* (туркий) – *элак/алак* (Хоразм шевасида); *булаг/булак* (туркий) – *булоқ/булоғ* (Хоразм шевасида); *топрак/товраг* (туркий) – *тўпроқ/тўрпоқ/тупроқ/турпақ* (Хоразм шевасида); *дениз/менгез* (туркий) – *де(нг)из* (Хоразм шевасида).

Келтирилган мисолларнинг туркий-мўғул тилларига оидлари Н.А.Баскаковнинг [4,69-70] “Туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси бўйича тадқиқотлар” номли асаридан олинган бўлса, Хоразм шеваларига доир мисоллар эса халқ оғзаки тили (нутқи)дан ёзиб тайёрланган. Мисоллардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги лексикасидаги туркий-мўғул параллеллари Хоразм шевасида ҳам айнан шу шакл ёки бўлмаса унга яқинроқ талаффузли шакллар ва маъноларда қўлланилиб, лексик параллелларни вужудга келтирган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги қисқа хулосаларга келиш мумкин. Ўзбек тилининг қишлоқ хўжалиги касбий лексикаси, айниқса, деҳқончилик лексикасининг бой ва шу билан бирга табақалашган гуруҳини ташкил қилиши ўзбек умумистеъмол лексикасининг узвий қисми ҳисобланади. Унинг асосий қисми ресурслари маҳаллий ҳамда ташқи манбалар ҳисобига шаклланиб, ривожланиб ва такомиллашиб борган.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан. 1986.
2. Ибрагимова З. Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикаси. – Т.: Муҳаррир. 2013.
3. Радлов В.В. Туркий равишлар луғатининг тажрибалари. 3-жилд. – М., 1911
4. Баскаков Н.А. Сўз тузилиши ва қорақалпоқ тили лексикасининг таркиби // Туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси бўйича тадқиқотлар. – М., 1962.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).